

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
томонидан**

№ 447п «30» сентябрь 2010 йилда

**447п рақам билан қайта давлат
рўйхатига олинган**

**ЎЗБЕКИСТОН
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ЖАМИЯТЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ**

« 19 » февраль 2010 йилдаги

**Конференцияси қарори билан
тасдиқланган**

**ЎЗБЕКИСТОН ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМИЯТЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ**

У С Т А В И

(янги таҳрирда)

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси

Устави

1. Умумий шартлар

1.1. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси (кейинги ўринларда – “Федерация” деб юритилади) Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояланиш даражасини оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этилган бўлиб, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотидир. Унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси.

1.2. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 414-сонли қарори, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилган.

1.3. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Устав асосида амалга оширади.

Ушбу Устав Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари бўлган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва уларнинг ҳудудий бирлашмалари учун ягона таъсис ҳужжати ҳисобланади.

1.4. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари тегишли адлия идораларида ҳисоб рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари ўз мулкига эга бўлади, ундан фойдаланади ва уни бошқаради, ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқга эга бўлиш, мажбуриятларни бажариш, хўжалик, фуқаролик ва бошқа судларда даъвогар ва жавобгар бўлиб қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўз бухгалтерия балансига, думалоқ муҳр ва тўртбурчак штампига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банкларида сўм ва валюта ҳисоб рақамларини очиб фаолият кўрсатади.

Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли мулклар ва активлар чегарасида маъсул ҳисобланиб, бу мулклар ва активлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан тўлов ва ундириш шаклида идора этилиши мумкин. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари давлат ва (ёки) унинг органлари мажбуриятлари бўйича, давлат эса ўз навбатида Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмаларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

1.5. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширади.

1.6. Федерация амалдаги қонунчилик асосида белгиланган ва ушбу Уставда кўрсатилган тартибда ўз ваколатхона ва филиалларини, шунингдек, устав мақсад вазифаларини амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик тузилмаларини очиш ҳуқуқига эга. Ваколатхона ва филиаллар, тадбиркорлик тузилмалари ушбу Устав, ваколатхона ва филиаллар, тадбиркорлик тузилмалари ҳақидаги Низом асосида иш юритади.

1.7. Федерациянинг номи:

Ўзбек тилида: «Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси», қисқача – «ЎИХХҚЖФ»;

Рус тилида: «Федерация обществ защиты прав потребителей Узбекистана», қисқача – «ФОЗППУ»;

Инглиз тилида: «Federation of societies on consumer rights protection of Uzbekistan », қисқача –«FSCRPU».

1.8. Федерация манзили: Тошкент шаҳри - 100011, Навоий кўчаси, 18 А уй.

1.9. Федерация Устави билан ҳар бир шахс танишиши мумкин.

2. Федерация мақсади ва вазифалари

2.1. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари фаолиятининг асосий мақсади Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояланиш даражасини оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишдан иборат.

2.2. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари фаолиятининг асосий йўналишлари истеъмолчиларни қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ва қуйидагилардан иборат:

аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиш;

аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш.

2.3. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари ўз фаолиятининг белгиланган йўналишларини амалга ошириш учун қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий базасини ташкил этиш ва

истеъмол бозорини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш йўли билан Федерация аъзолари бўлган истеъмолчиларнинг манфаатларини давлат, бошқарув, назорат ва суд органларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш;

семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ҳамда аҳоли ўртасида оммавий тадбирларни ташкил этиш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билим савиясини ошириш;

товар ва хизматларни тўғри танлаш учун зарур бўлган ҳаққоний ахборотлар билан истеъмолчиларни таъминлаш;

товар ва хизматларнинг сифати ва хавфсизлигини мустақил экспертизасини ташкил этиш;

товар ва хизматларнинг нарх(тариф)лари, стандартлари, ҳамда сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш тизимини тартибга солиш дастурлари бўйича таклифлар тайёрлаш;

қонунчиликда белгиланган тартибда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда савдо, маиший, коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш қоидалари талабларини таъминлаш мониторингларини, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузилиши бўйича мустақил экспертизаларни, қонунчиликда белгиланган тартибда, ўтказиш ва ҳуқуқлар бузилиши юзасидан маълумотномалар тузиш;

тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муаммоларни ўрганиш бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотлар, сўровномалар ўтказиш;

истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчи (сотувчи, хизмат кўрсатувчи)лар ўртасидаги ўзаро муносабатларни оғоҳлантириш тамойилида тартибга солишни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини тадбиқ этиш;

нотўғри рекламалардан аҳолини оғоҳлантириш ҳамда уларни ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган корхона ва ташкилотларга қонунчилик талабларини бузилишини бартараф этиш тўғрисида мурожаат этиш;

товар (иш, хизмат)ларни сифатини ошириш ҳамда инсон ҳаёти, соғлиғига, мулкига ва атроф-муҳитга хавф туғдирувчи товар (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишни тўхтатиш бўйича ваколатли давлат идоралари ва ташкилотларига таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда ўрнатилган хавфсизлик талабларига мос бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича материалларни суд, прокуратура ва ваколатли давлат идораларига киритиш;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари бўйича илмий тадқиқотлар, конференцияларни ташкил этиш ва ўтказиш;

ўз аъзоларини ахборот таъминотини, улар ўртасида ўзаро ахборот алмашувини ташкил этиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

тегишли рухсатномага (лицензияга) эга бўлгандан сўнг белгиланган тартибда

матбаа-нашриёт фаолиятини, шунингдек, даврий нашрларни, илмий-оммавий кўлланмалар, плакатлар, буклетлар, шарҳлар ва бошқа нашрларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш;

энг зукко ва иқтидорли истеъмолчиларни, энг яхши ташкилий ҳудудий тузилмани ҳамда товарлар (ишлар ва хизматлар)нинг энг яхши ишлаб чиқарувчиларини аниқлашга ва рағбатлантиришга йўналтирилган танловлар, викториналар, олимпиадалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва унинг талабларини бажарилишини таъминлашда давлат бошқарув идоралари билан ҳамкорлик қилиш;

халқаро жамоат, молиявий ташкилотлари ва компаниялари билан ҳамкорликда турли лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек истеъмолчиларнинг халқаро ташкилотларида иштирок этиш;

ўз фаолият йўналишларини амалга оширишга йўналтирилган Устав фаолияти доирасида тадбиркорлик фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш;

мазкур Устав ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва қоидаларга зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга оширади.

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари махсус рухсатнома (лицензия) олингандан сунг амалга оширилади.

2.4. Федерациянинг ҳуқуқлари:

банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамини очиш;

мазкур Устав доирасида ўз фаолиятини ташкил этиш учун ҳудудий тузилмаларини, филиал ва ваколатхоналар, тадбиркорлик тузилмаларини очиш ҳамда бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет давлатларда юридик ва жисмоний шахслар билан қонунчиликка ва мазкур Уставга зид бўлмаган битимлар ва бошқа юридик келишувларни тузиш;

ўз номидан ва бошқа шахслар номидан судларда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш;

бино ва иншоотларни, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, инвентарь, хом-ашё ва бошқа кўчмас мулкларни қуриш, харид қилиш, сотиш, фойдаланишга ёки ижарага олиш ҳамда ўз мулкни балансдан чиқариш;

ўз фаолияти дастур ва режаларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Федерация ташкилий структурасини белгилаш, ижро этувчи орган штат ходимларини ташкил этиш, иш ҳақи миқдори ва шаклини ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш масалаларини белгилаш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини кўллаб қувватлаш мақсадида махсус жамғармаларни, шу жумладан давлат молиявий ёрдами ҳисобидан, ташкил этиш;

ўз фаолияти йўналишлари бўйича шартнома ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий келишувлар асосида корхона ва ташкилотларни ҳамда фуқароларни ишга жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа

ҳуқуқлар.

2.5. Федерациянинг мажбуриятлари:

конун ҳужжатларига риоя этиш;

ўз мол-мулк ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш;

конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

3. Федерация тузилмаси ва раҳбар органлари

3.1. Федерация тузилмаси Федерациянинг бошқарув ва ижро этувчи органларидан иборат.

3.1.1. Федерациянинг бошқарув органлари:

Федерация Конференцияси;

Федерация Кенгаши;

Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмалари Конференцияси (кейинчалик “ҳудудий бирлашма Конференцияси” деб юритилади);

Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмалари Кенгаши (кейинчалик “ҳудудий бирлашма Кенгаши” деб юритилади).

3.1.2. Федерациянинг ижро этувчи органлари:

Федерация марказий ижро этувчи аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмалар ижро этувчи аппарати;

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман (шаҳар) жамиятлари ижро этувчи аппарати;

Корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллалардаги таянч гуруҳлари.

3.2. Федерациянинг бошқарув органлари.

3.2.1. Федерациянинг олий бошқарув органи Конференция ҳисобланади. Конференция чақириш, ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, унинг регламенти мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Федерация Конференцияси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Федерациянинг навбатдаги ҳисобот Конференцияси беш йилда камида бир маротаба чақирилади.

Ҳисобот Конференциясидан ташқари чақириладиган Конференциялар навбатдан ташқари Конференциялар ҳисобланади.

3.2.2. Федерация Конференцияси ваколатига қуйидагилар киради:

Федерация Уставини тасдиқлаш ҳамда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

Федерацияни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Федерация фаолиятини тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Федерация Кенгаши аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш;

Федерация назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш;

Федерация раҳбар органларининг беш йиллик ҳисоботини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш, Федерация фаолиятининг мазкур Устав мақсадларига мослигини баҳолаш;

Федерация назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш;

Федерация фаолиятининг келажак 5 йил учун асосий йўналишларини белгилаш;

Федерация мулкени ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тамойилларини белгилаш;

Конференция регламентини белгилаш;

Федерация Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Устав доирасида бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

3.2.3. Навбатдаги ҳисобот Конференциясини чақириш тўғрисидаги қарор Федерация Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Федерация Конференцияси санаси, кун тартиби ва ўтказиладиган жойи, Конференцияни ўтказишга тайёргарлик кўришда тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) рўйхати ҳамда республика Конференциясига вакилларни сайлаш учун ҳудудлар миқёсида Конференциялар ўтказиладиган муддатлар Федерация Кенгаши томондан белгиланади.

Навбатдаги ҳисобот Конференцияси ўтказиладиган сана камида 70 кун олдин белгиланади. Федерация Конференциясига вакилларни сайлаш учун ҳудудлар миқёсида Конференциялар қуйидаги тартибда ўтказилади:

камида 30 кун муддат ичида Худудий бирлашма Конференциясига вакилларни сайлаш учун ҳар бир туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва таянч гуруҳлари фаолларининг йиғилиши ўтказилади;

камида кейинги 30 кун муддат ичида республика Конференциясига вакилларни сайлаш учун ҳудудий бирлашмалар Конференциялари ўтказилади;

Федерация Конференцияси ҳудудий бирлашмалар Конференцияларини ўтказиш муддатининг охири кунидан камида 10 кун муддатдан кейин ўтказилади.

Ҳар бир ҳудудий бирлашма Конференцияси томонидан республика Конференциясига сайланадиган вакиллар сони Федерация Кенгаши томондан белгиланади. Худудий бирлашма Конференциялари томонидан республика Конференциясига сайланадиган вакилларнинг умумий сони ҳар бир ҳудуддан 5 тадан кам бўлмаган делегат ҳисобидан жами 70 нафардан кам бўлмаслиги керак.

3.2.4. Конференция қарорлари иштирок этаётган вакилларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Конференцияда овоз бериш «бир вакил – бир овоз» тамойили асосида амалга оширилади.

3.2.5. Навбатдан ташқари Конференциялар Федерация Кенгаши ташаббуси

ёки Назорат-тафтиш комиссияси талабига асосан чақирилади.

Назорат-тафтиш комиссиясининг талабига биноан Федерациянинг навбатдан ташқари Конференциясини чақириш, навбатдан ташқари Конференцияни чақириш ҳақидаги талаб тақдим этилган пайтдан эътиборан узоғи билан 45 кун ичида, Федерация Кенгаши томондан амалга оширилади.

Федерациянинг навбатдан ташқари Конференциясини ўтказиш тўғрисидаги талабда Конференция кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим.

Федерациянинг навбатдан ташқари Конференцияси кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан биронтаси ҳам унинг ваколатларига кирмаса, кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала мазкур Устав ва қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса Федерация Кенгаши Конференция чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

3.3. Федерация Кенгаши.

3.3.1. Федерация Конференциялари оралиғида Федерация фаолиятига умумий раҳбарлик Федерация Кенгаши томонидан амалга оширилади. Федерация Кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби ва унинг регламенти мазкур Устав ва Федерация кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички тартибий ҳужжатлар билан белгиланади.

3.3.2. Федерация Кенгаши коллегиял бошқарув органи бўлиб, унинг таркибига 17 киши киради. Федерация Раиси, Федерация раиси ўринбосари - Ижрочи директор, Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашма раҳбарлари лавозимига кўра Кенгаш таркибига кирадилар. Кенгаш аъзолари таркибига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органлари ҳамда бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатининг фаол аъзолари Федерация Кенгаши томонидан тавсия этилиши мумкин.

Федерация Кенгаши аъзолари Федерация Конференцияси вакили мақомига ва овоз бериш ҳуқуқига эга.

Федерация Кенгаши аъзолари 5 йил муддатга ёки Федерациянинг навбатдаги Конференциясига қадар сайланадилар. Федерациянинг навбатдаги Конференциялари оралиғида Федерация кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган ёки Кенгаш аъзоси вазифасини бошқа сабабларга кўра бажара олмай қолган ҳолларда Федерация Кенгаши ўз таркибига янги номзодларни киритиш ва таркибидан чиқариш ҳуқуқига эга.

Кенгаш йиғилишлари ҳар 3 ойда камида бир маротаба ўтказилади. Кенгаш йиғилишида унинг аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашган ҳолларда унинг қарорлари ҳақиқий ҳисобланади.

Кенгаш қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда Федерация Кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз сифатида ҳисобланади.

3.3.3. Федерация Кенгаши ваколатларига қуйидагилар киради:

Федерация Кенгаши Раисини Кенгаш аъзолари орасидан сайлаш, Конференциялар оралиғида зарурият бўлганда Кенгаш аъзоларининг, шунингдек Кенгаш раисининг ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш ва уларнинг ўрнига янги номзодларни Кенгаш аъзолигига, шунингдек Кенгаш раиси лавозимига сайлаш;

Федерация раиси ўринбосари - Ижрочи директорни сайлаш;

Федерациянинг ижро этувчи органлари, бошқа тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Конференция қарорлари ижросини таъминлаш;

Федерация фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

Федерациянинг бошқарув ва ижро этувчи органлари, бошқа тадбиркорлик тузилмалари ва аъзолари фаолиятини тартибга солувчи Федерациянинг ички тартибий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Федерация ва унинг ҳудудий ижро этувчи органларининг йиллик иш режасини ва унинг ижроси бўйича ҳисоботни тасдиқлаш;

Федерация бюджети ва унинг ижроси бўйича ҳисоботни тасдиқлаш;

Тафтиш комиссияси фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг йиллик иш режаси ва унинг ижроси бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман (шаҳар) жамиятлари ва уларнинг ҳудудий бирлашмаларини фаолиятини ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва зарурият туғилганда улар фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш;

ҳудудий бирлашма ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман (шаҳар) жамиятлари фаолияти бўйича, шунингдек, молиявий ҳисоботини муҳокама қилиш;

Федерация ваколатхона ва филиаллари, тадбиркорлик тузилмалари, доимий ва муваққат кўмита ва комиссияларини ташкил этиш, улар фаолиятини ташкил этиш бўйича Низомлар ва уларнинг ҳисоботларини тасдиқлаш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мақсадли дастурларни тасдиқлаш;

Федерация аъзолари, ташкилий ва тадбиркорлик тузилмаларининг ҳамкорликда амалга ошираётган тадбирларни амалга оширишни мувофиқлаштириш;

Федерация Кенгаши аъзолари ўртасида тегишли вазифаларни тақсимлаш;

аъзолик, кириш бадаллари миқдорини, шунингдек, улар бўйича имтиёزلарни белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Устав доирасида бошқа ваколатларни амалга ошириш.

3.3.4. Федерация Кенгаши раиси 5 йил муддатга Кенгаш аъзолари орасидан сайланади. Федерация Конференцияси томонидан Федерация Кенгаши аъзоларининг янги таркиби сайланган ҳолда Федерация Кенгаши раиси ваколати муддатидан илгари тўхтатилган ҳисобланади.

3.3.5. Федерация Кенгаши Раиси:

Федерация Кенгаши мажлисларига раислик қилади;

мазкур Устав, Федерация Конференцияси ва Кенгаши қарорлари асосида Федерация Кенгаши Раиси ваколатларига юклатилган масалалар доирасида Федерация номидан иш юритади, тегишли келишув ва шартномалар тузади;

бир вақтда Федерация марказий ижро этувчи аппарати раиси (қисқача “Федерация раиси” деб аталади) вазифасини бажаради;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари доирасида Федерация фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

3.4. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси Конференцияси.

3.4.1. Ҳудудий бирлашма Конференцияси Ҳудудий бирлашма Кенгаши қарори билан чақирилади. Ҳудудий бирлашма Конференциясини чақириш тўғрисидаги Ҳудудий бирлашма Кенгаши қарори Федерация Кенгашининг Конференция чақириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан кўпи билан 10 кун ичида қабул қилинади.

Ҳудудий бирлашма Конференцияси санаси, кун тартиби ўтказиладиган жойи, Конференцияни ўтказишга тайёргарлик кўришда тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) рўйхати ҳудудий бирлашма Кенгаши томондан белгиланади.

Ҳудудий бирлашма Конференциясига вакилларни сайлаш учун ҳар бир туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва таянч гуруҳлари фаолларининг йиғилишлари ўтказиладиган саналар ва ҳудудий бирлашма Конференциясига сайланадиган вакиллар сони ҳудудий бирлашма Кенгаши томондан белгиланади. Туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва таянч гуруҳлари фаоллари йиғилиши томонидан ҳудудий бирлашма Конференциясига сайланадиган вакилларнинг умумий сони ҳар бир туман(шаҳар)дан 5 тадан кам бўлмаган делегат ҳисобидан жами 70 нафардан кам бўлмаслиги керак.

3.4.2. Ҳудудий бирлашма Конференциясининг ваколатларига қуйидагилар киради:

ҳудудий бирлашма Кенгаши аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш;

ҳудудий бирлашманинг беш йиллик ҳисоботини тасдиқлаш ва ҳудудий бирлашма фаолиятининг мазкур Устав мақсадларига мослигини баҳолаш;

ҳудудий бирлашма фаолиятининг келажак 5 йил учун асосий йўналишларини белгилаш;

ҳудудий бирлашма мулкни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тамойилларини белгилаш;

ҳудудий бирлашма Конференцияси регламентини белгилаш;

Федерация Конференциясига вакиллар сайлаш;

ҳудудий бирлашма Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Устав доирасида бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

3.5. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмалари Кенгаши.

3.5.1. Ҳудудий бирлашма Кенгаши коллегиал бошқарув органи бўлиб, ҳудудий бирлашма ва унинг таркибига кирувчи туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Худудий бирлашма Кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби ва унинг регламенти мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томондан тасдиқланадиган ички тартибий ҳужжатлар билан белгиланади.

3.5.2. Худудий бирлашма Кенгаши таркибига худудий бирлашма раиси, туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари раҳбарлари лавозимига кўра кирадилар. Кенгаш аъзолари таркибига маҳаллий ҳокимият ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органлари вакиллари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг фаол аъзолари худудий бирлашма Кенгаши томонидан тавсия этилиши мумкин.

Худудий бирлашма Кенгаши аъзолари худудий бирлашма Конференцияси вакили мақомига ва овоз бериш ҳуқуқига эга.

Худудий бирлашма Кенгаши ваколати муддати – 5 йил ёки навбатдаги худудий бирлашма Конференциясига қадар.

Кенгаш йиғилишлари ҳар 3 ойда камида бир маротаба ўтказилади. Кенгаш йиғилишида унинг аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашган ҳолларда унинг қарорлари ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда худудий бирлашма раисининг овози ҳал қилувчи овоз сифатида ҳисобланади.

3.5.3. Худудий бирлашма Кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

худудий бирлашма Кенгаши Раисини Кенгаш аъзолари орасидан сайлаш, бунда Кенгаш раислигига номзод Федерация Раиси томонидан тавсия этилади;

Худудий бирлашма навбатдаги Конференциялари оралиғида зарурият бўлганда ва Федерация Раиси билан келишилган ҳолда Кенгаш аъзоларининг, шунингдек Кенгаш раисининг ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш ва уларнинг ўрнига янги номзодларни Кенгаш аъзолигига, шунингдек Кенгаш раиси лавозимига сайлаш;

туман (шаҳар) жамиятлари ижро этувчи аппаратлари ва худудий бирлашманинг бошқа тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Федерация ва худудий бирлашма Конференциялари, Федерация Кенгаши қарорлари ва Федерация Раиси буйруқ ва топшириқлари ижросини таъминлаш;

худудий бирлашма фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

худудий бирлашма ижро этувчи аппаратининг йиллик иш режасини ва унинг ижроси бўйича ҳисоботни тасдиқлаш;

худудий бирлашма бюджети ва унинг ижроси бўйича ҳисоботни тасдиқлаш;

туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Раисларини Федерация Раиси билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолияти бўйича, шунингдек, молиявий, ҳисоботларини муҳокама қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мақсадли дастурларни тасдиқлаш, туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан ҳамкорликда тадбирларни амалга оширишни мувофиқлаштириш;

худудий бирлашма Кенгаши аъзолари ўртасида тегишли вазифаларни тақсимлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Устав доирасида бошқа ваколатларни амалга ошириш.

3.5.4. Худудий бирлашма Кенгаши раиси 5 йил муддатга, мазкур Уставнинг 3.5.3. бандининг 1-хат бошида белгиланган тартибда сайланади. Худудий бирлашма Конференцияси томонидан Худудий бирлашма Кенгаши аъзоларининг янги таркиби сайланган ҳолда, Худудий бирлашма Кенгаши раиси ваколати муддатидан илгари тўхтатилган ҳисобланади.

3.5.5. Худудий бирлашма Кенгаши Раиси:

худудий бирлашма Кенгаши мажлисини чақириш ва ўтказишни, ҳамда мажлис учун керакли ҳужжатларни тайёрлашни ташкил этади;

Федерация, худудий бирлашма Конференцияси ва Кенгаши қарорларининг бажарилиши устидан назорат олиб боради;

худудий бирлашма Кенгаши аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиради;

худудий бирлашма Кенгаши қарорларини имзолайди;

мазкур Устав, худудий бирлашма Конференцияси ва Кенгаши қарорлари асосида худудий бирлашма Кенгаши Раиси ваколатларига юклатилган масалалар доирасида худудий бирлашма номидан иш юритади, тегишли келишув ва шартномалар тузади;

бир вақтда худудий бирлашма ижро этувчи аппарати раиси (қисқача “худудий бирлашма раиси” деб аталади) вазифасини бажаради;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари доирасида худудий бирлашма фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

3.5.6. Худудий бирлашма Кенгаши Раиси лавозимига номзод Федерация Раиси тавсиясига биноан худудий бирлашма Кенгаши томондан сайлангандан сўнгра бир вақтда Федерация Раиси буйруғи билан худудий бирлашма ижро этувчи аппарати раиси лавозимига тайинланади.

Худудий бирлашма Кенгаши томонидан Худудий бирлашма Кенгаши Раиси вазифасидан озод этилган тақдирда бир вақтда худудий бирлашма ижро этувчи аппарати раиси лавозимидан ҳам озод этилади.

3.6. Федерация марказий ижро этувчи аппарати.

3.6.1. Федерациянинг жорий молия-хўжалик фаолияти Федерация марказий ижро этувчи аппарати томондан амалга оширилади. Федерация марказий ижро этувчи аппарати фаолиятини ташкил этиш тартиби мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томондан тасдиқланадиган ички тартибий ҳужжатлар билан белгиланади.

3.6.2. Федерация марказий ижро этувчи аппарати таркибига Федерация Раиси, Федерация раиси ўринбосари – Ижрочи директор ва марказий ижро этувчи аппарат ходимлари киради. Марказий ижро этувчи аппарат ходимлари штат жадвали Федерация Раиси буйруғи билан белгиланади.

3.6.3. Федерация марказий ижро этувчи аппаратининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Федерация фаолиятининг жорий ва истикболдаги режаларини ишлаб чиқиш ва Федерация Кенгаши муҳокамасига киритиш;

Федерациянинг жорий иш режасини бажарилиши устидан жорий назоратни амалга ошириш;

марказий ижро этувчи аппаратининг молиявий режасини ишлаб чиқиш ва Федерация Кенгаши муҳокамасига киритиш;

Федерация ваколатхона ва филиаллари, тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва озод этиш тўғрисида,

ҳамда Федерациянинг бошқа корхоналар таркибида иштирок этиши тўғрисида таклифлар тайёрлаш ва Федерация Кенгаши муҳокамасига киритиш;

кириш ва аъзолик бадаллари миқдори ва уларни тўлаш ҳамда улар бўйича имтиёзлар, шунингдек бадаллар ҳисобидан йиғилган маблағлар тақсимоти бўйича таклифлар тайёрлаш ва Федерация Кенгаши муҳокамасига киритиш;

Федерация кўмиталари ва комиссиялари, шунингдек, эксперт кенгашлари фаолиятини ташкил этиш;

Федерация Кенгаши аъзоларини Кенгаш мажлисини ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш;

Федерациянинг ҳудудий ижро этувчи аппаратлари фаолиятига мазкур Уставда ва ички тартибий ҳужжатларда белгиланган тартибда умумий раҳбарлик қилиш, ҳамда мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

Федерация ҳузурида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;

истеъмолчилар ва Федерация манфаатларини давлат идоралари ва бошқа ташкилот ва муассасаларда, шунингдек хорижда ҳимоя қилиш;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари доирасида бошқа ваколатларни амалга ошириш.

3.6.4. Федерация Кенгаши қарори билан ташкил этилган кўмита, комиссия ва ишчи гуруҳлар ишида иштирок этиш учун Федерация раиси турли ташкилот ва корхона вакилларини, давлат бошқаруви идоралари ходимларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

3.6.5. Федерация раиси ваколатига Федерация Конференцияси ва Кенгаши мутлоқ ваколатига кирмаган Федерация фаолияти бўйича масалаларни ҳал этиш қиради.

3.6.6. Федерация Раиси вазифалари:

Федерация марказий ижро этувчи аппарати ваколатларига тегишли барча масалаларни Федерация номидан ишонч қўғозисиз амалга оширади;

мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатлар асосида унга юклатилган ваколатлар доирасида Федерациянинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат ва бошқарув органларида, маҳаллий давлат ва ўз-ўзини бошқарув органларида, суд ва бошқа шахслар олдида ҳимоя қилади;

Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган молиявий режа асосида Федерациянинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини бошқаради;

Федерация ходимларини ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳамда меҳнат шартномаларини тузиш ишларини амалга оширади;

Федерация марказий ижро этувчи аппаратининг кундалик фаолиятига раҳбарик қилади;

Федерация Кенгаши мажлисларида иштирок этади ва Федерация Кенгаши Раиси вазифасини бажаради;

ўз ваколати доирасида Федерациянинг барча даражадаги ижро этувчи органлари ва ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради;

мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатлар билан белгиланган, ҳамда Федерация Конференцияси ва Кенгаши ваколатига кирмаган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

3.6.7. Федерация Раиси ўринбосари – Ижрочи директор вазифалари:

Федерация раиси иш жойида йўқлиги вақтида Федерация раисига юклатилган вазифаларни бажаради;

бир вақтда Федерация Кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажаради;

Федерация марказий ижро этувчи аппарати тақибий бўлимлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Федерациянинг Устави ва ички тартибий ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом доирасида Федерация марказий ижро этувчи аппарати фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

3.7. Истеъмоқчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмалари ижро этувчи аппарати.

3.7.1. Ҳудудий бирлашманинг жорий фаолияти ҳудудий бирлашма ижро этувчи аппарати томондан амалга оширилади. Ҳудудий бирлашма ижро этувчи аппарати ўз фаолияти бўйича Федерация марказий ижро этувчи аппарати ва ҳудудий бирлашма Кенгашига бўйсунди. Ҳудудий бирлашма ижро этувчи аппарати фаолиятини ташкил этиш тартиби мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томондан тасдиқланган Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланади.

3.7.2. Ҳудудий бирлашма ижро этувчи аппарати таркибига ҳудудий бирлашма Раиси, Ижрочи директор ва ижро этувчи аппарат ходимлари киради. Ижро этувчи аппарат ходимлари штат жадвали Федерация Раиси билан келишилган ҳолда ҳудудий бирлашма Раиси буйруғи билан белгиланади.

3.7.3. Ҳудудий бирлашма ижро этувчи аппарати ваколатларига қуйидагилар киради:

ҳудудий бирлашма фаолиятининг жорий ва истиқболдаги режаларини ишлаб чиқиш ва ҳудудий бирлашма Кенгаши муҳокамасига киритиш, шунингдек, Федерация Раисига тасдиқлаш учун киритиш;

ҳудудий бирлашма жорий иш режаси бажарилиши устидан жорий назоратни амалга ошириш;

ҳудудий бирлашма молиявий режасини ишлаб чиқиш ва ҳудудий бирлашма Кенгаши муҳокамасига киритиш, шунингдек, Федерация Раисига тасдиқлаш учун киритиш;

ҳудудий бирлашма ваколатхона ва филиаллари, тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва озод этиш тўғрисида ҳамда ҳудудий бирлашманинг бошқа корхоналар таркибида иштирок этиши тўғрисида таклифлар тайёрлаш ва Федерация Раиси билан келишилган ҳолда ҳудудий бирлашма Кенгаши муҳокамасига киритиш;

ҳудудий бирлашма кўмиталари ва комиссиялари, шунингдек, эксперт кенгашлари фаолиятини ташкил этиш;

ҳудудий бирлашма Кенгаши аъзоларини Кенгаш мажлисини ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш;

Федерация Раиси билан келишилган ҳолда ҳудудий бирлашма ижро этувчи аппарати ходимлар штат жадвалини тасдиқлаш;

истеъмоқчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, ҳамда мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

худудий бирлашма ҳузурида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;

истеъмолчилар ва худудий бирлашма манфаатларини маҳаллий давлат идоралари, бошқа ташкилот ва муассасаларда ҳимоя қилиш;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

3.7.4. Худудий бирлашма Кенгаши қарори билан ташкил этилган кўмита, комиссия ва ишчи гуруҳлар ишида иштирок этиш учун худудий бирлашма Раиси турли ташкилот ва корхона вакилларини, маҳаллий давлат бошқаруви идоралари ходимларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

3.7.5. Худудий бирлашма ижро этувчи аппарати Раиси ваколатига худудий бирлашма Конференцияси ва Кенгаши мутлоқ ваколатига кирмаган худудий бирлашма фаолияти бўйича масалаларни ҳал этиш киради.

3.7.6. Худудий бирлашма ижро этувчи аппарати Раиси вазифалари:

худудий бирлашма ижро этувчи аппарати ваколатларига тегишли барча масалаларни худудий бирлашма номидан ишонч қўғозисиз амалга оширади;

мазкур Устав асосида унга юклатилган ваколатлар доирасида худудий бирлашманинг ҳуқуқ ва манфаатларини маҳаллий давлат ва бошқарув органларида, ўз-ўзини бошқарув органларида, суд ва бошқа шахслар олдида ҳимоя қилади;

худудий бирлашма Кенгаши томонидан тасдиқланган молиявий режа асосида худудий бирлашманинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини бошқаради;

худудий бирлашма ижро этувчи аппарати ходимларини ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳамда меҳнат шартномаларини тузиш ишларини амалга оширади;

худудий бирлашма ижро этувчи аппарати кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади;

туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятига мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатларда белгиланган тартибда умумий раҳбарлик қилади;

худудий бирлашма Кенгаши мажлисларида иштирок этади ва худудий бирлашма Кенгаши Раиси вазифасини бажаради;

ўз ваколати доирасида туман (шаҳар) жамиятлари ва худудий бирлашманинг барча ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради;

мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатлар билан худудий бирлашма Конференцияси ва Кенгаши ваколатига кирмаган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

3.7.7. Худудий бирлашма ижро этувчи аппарати раиси лавозимига Федерация раиси буйруғи билан тайинланади ва Федерация раиси буйруғи билан вазифасидан озод этилади.

Худудий бирлашма ижро этувчи аппарати раиси Федерация раиси буйруғи билан вазифасидан озод этилган тақдирда Худудий бирлашма Кенгаши томонидан Худудий бирлашма Кенгаши Раиси вазифасидан озод этиш масаласи кўриб чиқилади.

Худудий бирлашма ижро этувчи аппарати раиси лавозимига номзод Худудий бирлашма Кенгаши томонидан маъқуллангунга қадар Федерация раиси буйруғи

билан Худудий бирлашма ижро этувчи аппарати раиси вазифасини бажарувчи сифатида тайинланади.

3.8. Туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ижро этувчи аппарати.

3.8.1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг жорий фаолияти жамият ижро этувчи аппарати томондан амалга оширилади. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ижро этувчи аппарати ўз фаолияти бўйича худудий бирлашма Кенгаши ва ижро этувчи аппаратига бўйсунди. Жамият ижро этувчи аппарати фаолиятини ташкил этиш тартиби мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томондан тасдиқланадиган Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланади.

3.8.2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ижро этувчи аппарати таркибига жамият Раиси, Ижрочи директор ва аппарат ходимлари киради. Жамият ижро этувчи аппарати ходимлар штат жадвали худудий бирлашма Раиси билан келишилган ҳолда жамият Раиси буйруғи билан белгиланади.

3.8.3. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ижро этувчи аппарати ваколатларига қуйидагилар киради:

жамият фаолиятининг жорий ва истиқболдаги режаларини ишлаб чиқиш ва худудий бирлашма Раисига тасдиқлаш учун киритиш;

жамият жорий иш режаси бажарилиши устидан жорий назоратни амалга ошириш;

жамият молиявий режасини ишлаб чиқиш ва худудий бирлашма Раисига тасдиқлаш учун киритиш;

жамият ваколатхона ва филиаллари, тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва озод этиш тўғрисида, ҳамда жамиятнинг бошқа корхоналар таркибида иштирок этиши тўғрисида таклифлар тайёрлаш ва худудий бирлашма Кенгаши муҳокамасига киритиш;

жамият кўмиталари ва комиссиялари, шунингдек эксперт кенгашлари фаолиятини ташкил этиш;

худудий бирлашма Раиси билан келишилган ҳолда жамият ижро этувчи аппарати ходимлар штат жадвалини тасдиқлаш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари қошидаги таянч гуруҳлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, ҳамда мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

жамият ҳузурида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;

истеъмолчилар ва жамият манфаатларини маҳаллий давлат идоралари, бошқа ташкилот ва муассасаларда ҳимоя қилиш;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари доирасида бошқа ваколатларни амалга ошириш.

3.8.4. Жамият ижро этувчи аппарати Раиси (кейинчалик “Жамият раиси” деб аталади) лавозимига номзод худудий бирлашма Раиси тавсиясига биноан худудий бирлашма Кенгаши томондан тасдиқланади ва худудий бирлашма ижро этувчи аппарати Раиси буйруғи билан лавозимига тайинланади. Зарурият туғилганда худудий бирлашма Раиси тавсиясига асосан худудий бирлашма Кенгаши томондан

жамият Раиси вазифасидан озод этилиши ва жамият янги Раиси ёки Раис вазифасини вақтинча бажарувчи тайинланиши мумкин.

Жамият Раиси лавозимига номзод ёки жамият Раиси лавозимини вақтинча бажарувчи номзоди Федерация Раиси билан аввалдан келишилган ҳолда тайинланади.

3.8.5. Жамият ҳузурида ташкил этилган қўмита, комиссия ва ишчи гуруҳлар ишида иштирок этиш учун жамият Раиси турли ташкилот ва корхона вакиллари, маҳаллий давлат бошқаруви идоралари ходимларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

3.8.6. Жамият Раиси ваколатига мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатлар билан белгиланган бошқа масалаларни ҳал этиш киради.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Раиси ўз лавозимига кўра ҳудудий бирлашма Кенгаши аъзоси ҳисобланади.

3.8.7. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Раиси вазифалари: жамият ижро этувчи аппарати ваколатларига тегишли барча масалаларни жамият номидан ишонч коғозисиз амалга оширади;

мазкур Устав асосида унга юклатилган ваколатлар доирасида жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатларини маҳаллий давлат ва бошқарув органларида, ўз-ўзини бошқарув органларида, суд ва бошқа шахслар олдида ҳимоя қилади;

ҳудудий бирлашма Кенгаши томонидан тасдиқланган молиявий режа асосида жамиятнинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини бошқаради;

жамият ижро этувчи аппарати ходимларини ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳамда меҳнат шартномаларини тузиш ишларини амалга оширади;

жамият ижро этувчи аппарати кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади;

жамият қошидаги таянч гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиради, умумий раҳбарлик қилади;

ўз ваколати доирасида жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради;

мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатларда белгиланган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

3.9. Корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллалардаги таянч гуруҳлари.

3.9.1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти қошидаги таянч гуруҳлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ёки фуқароларнинг ташаббуслари билан корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда жамоатчилик асосида ташкил этилади.

Таянч гуруҳлари Федерациянинг камида 5 нафар аъзоси мавжуд бўлган корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда ташкил этилади.

Таянч гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш тартиби мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томондан тасдиқланадиган ички тартибий ҳужжатлар билан белгиланади.

3.9.2. Таянч гуруҳларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятида мазкур Уставда ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

фаол фуқароларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига жалб этиш;

таянч гуруҳлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда қатнашиш;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

4. Федерация аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Федерацияга 18 ёшга тўлган фуқаролар ихтиёрий тартибда аъзо бўлишлари мумкин. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-ҳодимлари Федерацияга жамоа тартибида аъзоликка қабул қилинишлари мумкин

Федерацияга аъзолик туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан фуқаронинг аризасига асосан туман (шаҳар) жамияти раиси буйруғи билан расмийлаштирилади.

Корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-ҳодимларини жамоа тартибида аъзоликка қабул қилиш туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан мазкур фуқароларнинг жамоа тартибидаги аризаси, жамоа йиғилиши қарорига ва унга илова қилинаётган фуқароларнинг рўйхатига асосан туман (шаҳар) жамияти раиси буйруғи билан расмийлаштирилади.

Федерацияга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги туман (шаҳар) жамияти буйруғи аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги ариза келиб тушган санадан бошлаб кўпи билан 7 кун ичида қабул қилинади. Туман (шаҳар) жамиятлари томонидан мазкур ҳудуддан Федерацияга аъзолар реестри юритилади.

Агар бирор бир туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти фаолияти тугатилган ёки фаолияти вақтинча тўхтатилган ёки бундай жамият мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмолчининг хоҳиш-истагига асосан Федерацияга аъзолик ҳудудий бирлашма томонидан, Федерация Кенгаши қарори билан белгиланган тартиб ва шартлар, хусусан мазкур ҳудудда таянч гуруҳларини ташкил этиш шarti, асосида расмийлаштирилади.

Федерацияга аъзоликка қабул қилиш тартиби, Федерация аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган ички тартибий ҳужжатлар билан белгиланади.

4.2. Федерация аъзолари тенг ҳуқуқга эгадирлар.

4.3. Федерация аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Федерациянинг бошқарув ва ижро этувчи органлари ишида иштирок этиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Федерацияга аъзолик мақомидан қонунчилик, мазкур Устав ва Федерация ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланган тартибда фойдаланиш;

Федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари қошида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари хизматидан, Федерация Кенгаши томондан белгиланган имтиёзлар асосида, фойдаланиш;

Федерациянинг Устави, ички тартибий ҳужжатлари, унинг бошқарув органлари қарорлари ва баённомалари билан танишиш;

Федерация Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича Федерациянинг ташкилий тузилмаларига таклиф ва ўз мулоҳазаларини киритиш;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

4.4. Федерация аъзоларининг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларига амал қилиш;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари талабларига амал қилиш;

Федерацияга аъзолик мақомини суъистеъмол қилишга ва ноҳалол иш юритишга йўл қўймаслик;

Федерация Конференцияси, Кенгаши ва бошқа бошқарув ва ижро этувчи органларининг қарорларини бажариш;

Федерацияга аъзолик, кириш ва бошқа бадалларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда тўлаш.

4.5. Федерацияга тўланган аъзолик, кириш ва бошқа бадаллар Федерацияга аъзоликдан ихтиёрий равишда чиққан ёки аъзоликдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолда қайтарилмайди.

4.6. Аъзоликдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари талабларини бузиш ёки риоя қилмаслик;

мазкур Устав ва Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари талабларини бажармаслик;

Федерация бошқарув ва ижро этувчи органларининг бажариш учун мажбурий бўлган қарорларига амал қилишдан бош тортиш;

аъзолик, кириш ва бошқа бадалларни 6 ой давомида ва белгиланган тартибда тўламаслик;

Федерацияга аъзолик мақомини суъистеъмол қилиш ва ноҳалол иш юритиш.

Аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги туман (шаҳар) жамияти буйруғидан норози бўлган фуқаролар Федерациянинг юқори органларига шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин.

4.7. Федерацияга аъзоликдан чиққан шахсларни қайтадан аъзоликка қабул қилиш мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатларда белгиланган тартибда, аъзолик ва кириш бадалларини тўланган ҳолда амалга оширилади.

5. Федерациянинг мол-мулки ва уларни шакллантириш манбалари

5.1. Федерация марказий ижро этувчи аппарати маблағларининг манбалари қуйидагилардан иборат:

а) Федерациянинг ҳудудий тузилмалари томондан мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатларда белгиланган ажратмалар;

б) Федерация аъзолари томонидан киритилган бошқа маблағлар;

в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ихтиёрий ва беғараз бадаллар;

г) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

д) мақсадли лойиҳаларни бажариш учун олинган грант, кредит ва бошқа маблағлар;

ж) Федерация марказий ижро этувчи аппарати қошида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари фаолияти натижасида ва бошқа ташкилот таъсисчиси сифатида олинган даромадлар;

з) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида киритилган бошқа маблағлар.

5.2. Худудий бирлашмалар маблағларининг манбалари қуйидагилардан иборат:

а) туман (шаҳар) жамиятлари томондан мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатларда белгиланган ажратмалар;

б) аъзолик ва кириш бадаллари, мазкур Уставнинг 4.1. банди 3-хат бошига асосан;

в) Федерация аъзолари томонидан киритилган бошқа маблағлар;

г) юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ихтиёрий ва беғараз бадаллар;

д) Федерация марказий ижро этувчи аппарати томондан киритилган маблағлар;

ж) мақсадли лойиҳаларни бажариш учун олинган грант, кредит ва бошқа маблағлар;

з) худудий бирлашма қошида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари фаолияти натижасида ва бошқа ташкилот таъсисчиси сифатида олинган даромадлар;

и) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида киритилган бошқа маблағлар.

5.3. Туман (шаҳар) жамиятлари маблағларининг манбалари қуйидагилардан иборат:

а) аъзолик ва кириш бадаллари;

б) Федерация аъзолари томонидан киритилган бошқа маблағлар;

в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ихтиёрий ва беғараз бадаллар;

г) Федерация марказий ижро этувчи аппарати ва худудий бирлашма ижро этувчи аппарати томондан киритилган маблағлар;

д) мақсадли лойиҳаларни бажариш учун олинган грант, кредит ва бошқа маблағлар;

ж) туман (шаҳар) жамиятлари қошида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалари фаолияти натижасида ва бошқа ташкилот таъсисчиси сифатида олинган даромадлар;

з) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида киритилган бошқа маблағлар.

5.4. Федерация, жумладан ҳудудий бирлашма ва туман (шаҳар) жамиятлари, даромадлари фақат мазкур Устав мақсадларига эришиш учун ишлатилади ва Федерация аъзолари орасида уларнинг даромади сифатида тақсимланмайди.

5.5. Федерация, ҳудудий бирлашма ва туман (шаҳар) жамиятлари мулки ва маблағлари мазкур Устав ва ички тартибий ҳужжатларда белгиланган тартибда тасдиқланган бюджет асосида ишлатилади.

5.6. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари ихтиёрига мақсадли фойдаланиш учун берилган мулк ва маблағлар фақат белгиланган мақсад ва йўналишлар учун ишлатилади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳузуридаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади.

5.7. Аъзолик ва кириш бадаллари аъзоликка расмийлаштирган Федерациянинг ҳудудий тузилмаси томондан йиғилади.

5.8. Федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари маблағлари мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томондан белгиланган тартибий ҳужжатларда белгиланган тартибда тақсимланади ва фойдаланилади.

Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари маблағларини белгиланган тартибда тақсимлаш ва фойдаланиши Назорат-тафтиш комиссияси ва тафтиш комиссияси томонидан назорат қилинади.

5.9. Туман (шаҳар) жамиятларининг мазкур Уставнинг 5.3. бандининг в), г) ва д) хат бошларида белгиланган маблағлари, яъни уларнинг ихтиёрига юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ихтиёрий ва беғараз бадаллар, мақсадли лойиҳаларни бажариш учун берилган ҳамда Федерация марказий ижро этувчи аппарати ва ҳудудий бирлашма томондан берилган ажратма ва маблағлар тақсимланмайди ва жамиятлар томонидан белгиланган тартибда фойдаланилади.

Туман (шаҳар) жамиятларининг мазкур Уставнинг 5.3. бандининг а), б), ж) ва з) хат бошларида белгиланган маблағлар йиғиндиси мазкур Устав, ички тартибий ҳужжатларда ҳамда Федерация Кенгаши томондан белгиланган тартиб ва муддатларда қуйидагича тақсимланади:

- ҳудудий бирлашмага ажратмалар - 20%
- Федерациянинг марказий ижро этувчи аппаратига ажратмалар - 10%
- туман (шаҳар) жамиятлари ихтиёрида қоладиган маблағлар - 60%
- таянч гуруҳлари - 10%

5.10. Ҳудудий бирлашмаларининг мазкур Уставнинг 5.2. бандининг а), г), д) ва ж) хат бошларида белгиланган маблағлари, яъни туман (шаҳар) жамиятлари томондан ажратмалар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган ихтиёрий ва беғараз бадаллар, Федерация марказий ижро этувчи аппарати томондан берилган маблағлар ва уларнинг ихтиёрига мақсадли лойиҳаларни бажариш учун берилган маблағлар тақсимланмайди ва ҳудудий бирлашмалар томондан белгиланган тартибда фойдаланилади.

Худудий бирлашмаларнинг мазкур Уставнинг 5.2. бандининг в), з) ва и) хат бошларида белгиланган маблағлар йиғиндиси мазкур Устав, ички тартибий ҳужжатларда ҳамда Федерация Кенгаши томондан белгиланган тартиб ва муддатларда қуйидагича тақсимланади:

- Федерациянинг марказий ижро этувчи аппаратига ажратмалар - 10%
- худудий бирлашма ихтиёрида қоладиган маблағлар - 90%

Худудий бирлашмаларнинг аъзолик ва кириш бадаллари, мазкур Уставнинг 4.1. банди 3-хат бошига асосан, ҳисобидан йиғилган маблағларининг 10% мазкур худуддаги таянч гуруҳларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилади. Худудий бирлашмаларининг аъзолик ва кириш бадаллари ҳисобидан йиғилган маблағларнинг қолган 90% мазкур Устав, ички тартибий ҳужжатларда ҳамда Федерация Кенгаши томондан белгиланган тартиб ва муддатларда қуйидагича тақсимланади:

- Федерациянинг марказий ижро этувчи аппаратига ажратмалар - 40%
- худудий бирлашма ихтиёрида қоладиган маблағлар - 60%

5.11. Федерация марказий ижро этувчи аппарати маблағлари ҳисобидан худудий бирлашма ва туман (шаҳар) жамиятларини қўллаб-қувватлаш учун маблағлар Федерация Кенгаши қарорига асосан ажратилиши мумкин.

Худудий бирлашма ихтиёрида қоладиган маблағлар ҳисобидан туман (шаҳар) жамиятларини қўллаб-қувватлаш учун маблағлар худудий бирлашма Кенгаши қарорига асосан ажратилиши мумкин.

6. Федерация фаолиятининг ички назорат тизими.

6.1. Федерация фаолиятининг ички назорат тизими Федерация бошқарув ва ижро этувчи органлари, бошқа тадбиркорлик тузилмаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш, Федерация ташкилий структурасини барча бўғинлари фаолиятини ваколатли ташкил этилишини таъминлаш ва улар томондан қабул қилинаётган қарорлар, фармойишлар ва буйруқларнинг ҳуқуқий-меъёрий, Федерациянинг Устави ва ички тартибий ҳужжатлари талабларига мослигини назорат қилиш, Федерациянинг ташкилий структурасининг барча бўғинларидаги ижро этувчи органларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, барча турдаги ҳисоботларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, ҳуқуқий-меъёрий, Федерациянинг Устави ва ички ҳужжатлари талаблари, Федерация Конференцияси ва Кенгаши қарорлари, шунингдек Федерация Раисининг буйруқ ва фармойишларини бажарилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

6.2. Федерация фаолиятининг ички назорат тизимининг мақсад ва вазифалари, уни ташкил этиш принциплари ва механизмлари, шунингдек ички назорат тизими комиссияларининг ваколатлари ва вазифалари, ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби мазкур Устав ва Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички тартибий ҳужжатлар билан белгиланади.

6.3. Ички назорат тизими Федерация бошқарув ва ижро этувчи органлари, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятида белгиланган тартиб ва қоидаларга номувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни тезкор аниқлашга, бундай

нормувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни бартараф этиш ва олдини олишга, ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган қарорларни қабул қилишга мўлжалланган Федерация бошқарув тизимининг таркибий қисмидир.

6.4. Ички назорат тизимининг мақсади:

- Федерациянинг бошқарув органлари фаолиятини ваколатли ташкил этилиши, улар томондан қабул қилинган қарорларнинг ҳуқуқий-меъёрий, Федерациянинг Устави ва ички тартибий ҳужжатлари талабларига мослигини ҳамда қабул қилинган қарорларни бажарилишини назорат қилиш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ва барча турдаги ҳисоботларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлигини назорат қилиш, ҳамда ҳуқуқий-меъёрий, Федерациянинг Устави ва ички тартибий ҳужжатлари талаблари, Федерация Конференцияси ва Кенгаши қарорлари, шунингдек, Федерация Раисининг буйруқ ва фармойишларини бажарилишини назорат қилиш.

6.5. Ички назорат тизимининг асосий вазифалари:

- Федерациянинг бошқарув органлари фаолиятида белгиланган тартиб ва қоидаларга нормувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни тезкор аниқлашга, бундай нормувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни бартараф этиш ва олдини олишга, ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

- Федерация ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятида белгиланган тартиб ва қоидаларга нормувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни тезкор аниқлашга, бундай нормувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни бартараф этиш ва олдини олишга ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, Федерациянинг Устави, ички тартибий ҳужжатлари ҳамда Федерация Конференцияси ва Кенгаши қарорлари, Федерация Раиси буйруқ ва фармойишларига мувофиқлиги бўйича назоратни ташкил этиш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари молиявий-хўжалик фаолияти бўйича тезкор маълумотлар ва ҳисоботларининг тўлиқ ва ҳаққонийлигини текшириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари, ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари молиявий-хўжалик фаолияти бўйича, шунингдек, бошқа ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда фаолият юритиш бўйича белгиланган режа-дастурларнинг ижросини текшириш ва таҳлил қилиш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- аниқланган нормувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни таҳлил қилиш ва сабабларини аниқлаш, ҳамда уларни бартараф этиш ва келажакда олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

6.6. Ички назорат тизими Федерация Устави ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарорининг 1-иловасига асосан Федерация Конференцияси томонидан сайланадиган Назорат-

тафтиш комиссияси ва Федерация Кенгаши ҳузурида ташкил этиладиган Тафтиш комиссияси томондан амалга оширилади.

6.7. Назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг миқдорий таркиби Федерация Конференцияси қарори билан белгиланади.

Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари Федерация Конференцияси томонидан сайланади.

Назорат-тафтиш комиссияси раиси Назорат-тафтиш комиссиясининг мажлисида комиссия аъзолари ичидан сайланади.

Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Федерация Кенгаши аъзоси ёки Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмаларида биринчи раҳбар лавозимида ишлаши мумкин эмас.

Федерация Конференцияси оралиғида Назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг маълум сабабларга кўра ишга лаёқатсизлиги (вафот этганлиги, соғлиги ва бошқа сабабларга кўра) туфайли ўз вазифасини бажара олмай қолган ҳолларда мазкур масала Федерация Кенгаши томонидан кўриб чиқилиши ва Назорат-тафтиш комиссиясининг аъзоси вазифасини вақтинча (Федерация Конференциясининг навбатдаги ёки навбатдан ташқари мажлисига қадар) бажарувчи сайланиши мумкин.

Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари жамоатчилик асосида иш юритади. Ички назорат тизимини малакали тарзда ташкил этиш мақсадида Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари меҳнатини моддий рағбатлантириш Федерация марказий ижро этувчи аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги ички тартибий ҳужжатга асосан амалга оширилади.

6.8. Назорат-тафтиш комиссиясининг функциялари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг бошқарув органлари фаолияти ва улар томондан қабул қилинган қарорларнинг ҳуқуқий-меъёрий, Федерациянинг Устави ва ички тартибий ҳужжатлари талабларига мос равишда амалга оширилганлигини текшириш;

- Федерациянинг бошқарув органлари томондан қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш;

- Федерациянинг барча ташкилий тузилмалари ва уларнинг раҳбар-ходимларининг фаолияти билан боғлиқ шикоят-аризаларни ўрганиш, лозим бўлганда махсус текшурувларни ўтказиш;

- аниқланган номувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни таҳлил қилиш ва сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ва келажакда олдини олиш бўйича текшириш объекти раҳбар-ходимларига тегишли талабномалар киритиш ва/ёки текшириш объекти раҳбар-ходимларига нисбатан интизомий, маъмурий ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш каби чоралар кўриш тўғрисида Федерация Кенгашига талабнома ва/ёки таклифлар киритиш;

- Назорат-тафтиш комиссия фаолиятини амалга ошириш учун турли йўллар билан тўсқинлик қилган, нотўғри ва ҳақиқий бўлмаган ахборот, маълумот ва ҳужжатларни тақдим этган, шунингдек, аниқланган номувофикликларни бартараф этиш бўйича комиссия талабномаларини бажармаган текшириш объекти раҳбар-ходимларига нисбатан интизомий, маъмурий ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш каби чоралар кўриш тўғрисида Федерация Кенгашига талабнома ва/ёки таклифлар киритиш;

- Федерациянинг Устави, ички тартибий ҳужжатлари ва Федерация Конференцияси қарори билан белгиланган ҳамда Федерация Кенгаши қарори билан тавсия қилинган бошқа масалалар.

6.9. Тафтиш комиссияси аъзоларини миқдорий таркиби Федерация Кенгаши қарори билан белгиланади. Тафтиш комиссияси раҳбари ва аъзолари Федерация Кенгаши томондан сайланади.

Ички назорат тизимини малакали тарзда ташкил этиш мақсадида Тафтиш комиссияси аъзолари Федерация марказий ижро этувчи аппарати штат жадвали таркибига киритилади. Тафтиш комиссияси раҳбари ва аъзоларининг иш ҳақи ставкалари Федерация Кенгаши томондан белгиланади. Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш Федерация марказий аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги ички тартибий ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Тафтиш комиссияси Федерация Кенгашига ҳар чоракда бир маротаба ҳисобот беради.

6.10. Тафтиш комиссиясининг функциялари қуйидагилардан иборат:

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операцияларни белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқлигини текшириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа таркибий тузилмалари фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, Федерациянинг Устави, ички ҳужжатлари ҳамда Федерация Конференцияси ва Кенгаши қарорлари, Федерация Раиси буйруқ ва фармойишларига мувофиқлигини текшириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари молиявий-хўжалик фаолияти бўйича тезкор маълумотлар ва ҳисоботларининг тўлиқ ва ҳаққонийлигини текшириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа таркибий тузилмалари молиявий-хўжалик фаолияти бўйича, шунингдек, бошқа ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда фаолият юритиш бўйича, белгиланган режа-дастурларнинг ижросини текшириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмаларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўлиқ ва ҳаққонийлигини текшириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- Федерациянинг ижро этувчи орган ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмаларининг таркибий бўлим ва секторлари фаолиятини баҳолаш;

- аниқланган номувофиқликлар (хато ва камчиликлар)ни таҳлил қилиш ва сабабларини аниқлаш, ҳамда уларни бартараф этиш ва келажакда олдини олиш бўйича текшириш объекти раҳбар-ходимларига тегишли талабномалар киритиш ва/ёки текшириш объекти раҳбар-ходимларига нисбатан интизомий, маъмурий ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш каби чоралар кўриш тўғрисида Федерация Кенгашига таклифлар киритиш;

- Тафтиш комиссия фаолиятини амалга ошириш учун турли йўллар билан тўсқинлик қилган, нотўғри ва ҳақиқий бўлмаган ахборот, маълумот ва ҳужжатларни тақдим этган, шунингдек, аниқланган номувофиқликларни бартараф

этиш бўйича комиссия талабномаларини бажармаган текшириш объекти раҳбар-ходимларига нисбатан интизомий, маъмурий ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш каби чоралар кўриш тўғрисида Федерация Кенгашига таклифлар киритиш;

- Федерациянинг Устави, ички тартибий ҳужжатлари ва Федерация Кенгаши қарори билан белгиланган бошқа масалалар.

6.11. Ички назорат тизими комиссиялари ўз фаолияти қуйидаги принциплар асосида ташкил этади:

- фаолиятнинг доимийлиги;

- фаолиятдаги мустақиллик;

- холислик ва бетарафлик;

- ички назорат тизими комиссиялари раҳбар-ходимларининг етарли малакага эгаллиги.

- ички назорат тизими комиссиялари фаолиятини самарали амалга ошириш учун етарли шароитларни ташкил этиш.

6.12. Назорат-тафтиш комиссияси томонидан қуйидаги йўналишларда текширишлар ташкил этилади:

- Федерациянинг бошқарув органлари фаолиятини ваколатли ташкил этилиши ва улар томондан қабул қилинган қарорларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Федерациянинг Устави ва ички тартибий ҳужжатлари ва уларда ўрнатилган услуб, қоида, тартиб ва жараёнларга мослигини текшириш;

- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Федерациянинг Устави ва ички тартибий ҳужжатлари ва уларда ўрнатилган услуб, қоида, тартиб ва жараёнларга амал қилиниши ва бажарилишини текшириш;

- Федерация бошқарув органларининг қарорларига, Федерация раҳбарияти буйруқ ва топшириқларига амал қилиниши ва бажарилишини текшириш;

6.13. Тафтиш комиссияси томонидан қуйидаги йўналишларда текширишлар ташкил этилади:

- Федерацияга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарори билан юклатилган вазифаларни бажарилишини текшириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари молиявий фаолиятини - ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишончилигини, молиявий маблағларнинг шаклланиши ва уларнинг ўрнатилган тартибда тақсимланиши, молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва бошқаларни текшириш;

- Федерациянинг ижро этувчи органлари, тадбиркорлик тузилмалари ва бўлинмалари фаолиятини бошқарув тизими сифатини, ходимлар билан ишлаш тизимини ва моддий-техник таъминот тизимини текшириш;

- Федерацияга аъзоликка қабул қилиш ва аъзолар билан ишлаш тизимини текшириш.

6.14. Федерация бошқарув ва ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг ички назорати қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- ўрганиш текширувлари (тақдим этилган ҳужжатларни текшириш);

- назорат текширувлари (жойига чиқиб текшириш).

6.15. Федерация бошқарув ва ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ўрганиш текширувлари қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- Назорат-тафтиш комиссияси томонидан Федерациянинг бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорларни ўрганиш;

- Тафтиш комиссияси томонидан Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланган шакл ва тартибда ҳудудий ижро этувчи органлар томондан тақдим этилган ҳисобот ва маълумотларни ўрганиш.

6.16. Федерация бошқарув ва ижро этувчи органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини назорат текширувлари қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- Назорат-тафтиш комиссияси ва Тафтиш комиссияси биргаликда аниқ бир ҳудудий бирлашма таркибидаги ҳудудий бошқарув органлари, ҳудудий ижро этувчи органлари ҳамда тадбиркорлик тузилмалар фаолиятини комплекс назорат текширувлари;

- Назорат-тафтиш комиссияси томонидан (Федерациянинг бошқарув органларидан) аниқ бир ёки бир неча текширув объектларида назорат текширувлари;

- Тафтиш комиссияси томонидан (Федерациянинг ижро этувчи органларидан) аниқ бир ёки бир неча текширув объектларида назорат текширувлари.

6.17. Назорат текширувлари режа асосида ва режадан ташқари шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Режа асосидаги назорат текширувлари Федерация Кенгаши ва Назорат-тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланган ва 1 календарь йилига тузилган режа ва текшириш дастури асосида амалга оширилади.

Режадан ташқари назорат текширувлари Назорат-тафтиш комиссияси ёки Тафтиш комиссия ёки Федерация Кенгаши ёки Федерация Раиси талабига асосан алоҳида тузилган текшириш дастури асосида амалга оширилади.

6.18. Текшириш натижалари, аниқланган номувофикликлар (хато ва камчиликлар)ни бартараф этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар, шунингдек айбдор шахсларга интизомий ва бошқа чоралар кўриш бўйича комиссиянинг талаб-таклифлари Федерация Кенгашининг навбатдаги ёки навбатдан ташқари мажлисида муҳокама қилинади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

6.19. Назорат-тафтиш комиссия ва Тафтиш комиссия томонидан киритилган талабнома ва/ёки таклифлар асосида Федерация Кенгаши:

- ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, Федерация Устави ва ички тартибий ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган бошқарув органларининг қарорларини, ижро этувчи органлар, ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмаларнинг буйруқ ва фармойишларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга;

- Федерациянинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда айбдор шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш каби чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга;

- Ички назорат тизими комиссиялари фаолиятини амалга ошириш учун турли йўллар билан тўсқинлик қилган, нотўғри ва ҳақиқий бўлмаган ахборот, маълумот ва ҳужжатларни тақдим этган, шунингдек, аниқланган номувофикликларни бартараф этиш бўйича комиссия талабномаларини ва Кенгаш қарорларини бажармаган текшириш объекти раҳбар-ҳодимларига нисбатан интизомий, маъмурий ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш каби чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6.20. Федерациянинг ташкилий тузилмаларининг молиявий-хўжалик фаолияти назорати аудиторлик ташкилоти томонидан, у билан тузиладиган шартнома асосида, амалга оширилиши ҳам мумкин.

7. Федерация Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

7.1. Федерация Уставига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ёки янги тахрирдаги Уставни тасдиқлаш Федерация Конференцияси қарорига асосан амалга оширилади.

Федерация Уставига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар ёки янги тахрирдаги лойиҳаси Федерация Кенгаши томондан Федерация Конференциясига киритилади.

7.2. Федерация Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартиб ва муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилади.

7.3. Федерациянинг янги тахрирдаги мазкур Устави ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган тадбирлар режаси асосида Федерациянинг бошқарув ва ижро этувчи органларининг фаолияти янги тахрирдаги Уставда белгиланган тартиб, қоида ва талабларга мослаштириш тадбирлари амалга оширилади.

7.4. Федерациянинг янги тахрирдаги мазкур Устави ўрнатилган тартибда қайта давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб:

- Федерациянинг бошқарув органлари томонидан аввал қабул қилинган ва мазкур Уставда белгиланган тартиб, қоида ва талабларга мос бўлмаган қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

- Федерациянинг ижро этувчи органлари томонидан аввал қабул қилинган ва мазкур Уставда белгиланган тартиб, қоида ва талабларга мос бўлмаган буйруқ ва фармойишлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

8. Федерациянинг ҳисоб ва ҳисоботи

8.1. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида белгиланган тартибда бухгалтерлик ва статистик ҳисоб ва ҳисоботларни олиб боради.

8.2. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмаларининг раҳбар ҳодимлари, амалдаги қонунчилик талаблари асосида, ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ва ҳужжатларнинг (бошқарув, молия-хўжалик ва бошқа) сақланишига жавобгардирлар.

8.3. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмаларининг молия-хўжалик йили 1 январдан 31 декабргача белгиланади.

8.4. Федерация ва унинг ташкилий ҳудудий тузилмалари рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ва муддатларда ҳисоботлар тақдим этади.

9. Федерация фаолиятини тўхтатиш тартиби

9.1. Федерация фаолиятининг тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) Федерация Конференцияси қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Федерация фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда суд қарорига асосан тугатилиши мумкин.

9.2. Федерация қайта ташкил этилган ҳолда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилган ташкилотга ўтказилади.

9.3. Федерация фаолиятини тугатиш унинг тугатилиши ҳақидаги қарорни қабул қилган орган томонидан ташкил этилган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

9.4. Федерация фаолиятининг тугатилиши давомида барча кредиторлар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Федерация ихтиёрида қолган мол-мулки Федерация Кенгаши қарорига асосан мазкур Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларга ишлатилади, аммо Федерация аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

9.5. Федерацияга тегишли барча ҳужжатлар янги ташкил этилган ташкилотга ёки давлат мутасадди ташкилотлари архивига топширилади.

9.6. Федерация фаолияти тугатилганлиги ҳақида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилгандан сўнг Федерация фаолияти тугатилган ҳисобланади.